

Рамзиддин Исакджанов
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчи
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

ИСЛОМ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ФИКР ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

ВЗГЛЯДЫ ИСЛАМСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ В РАЗВИТИИ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ

THE ROLE OF THE VIEWS OF ISLAM THINKERS IN THE DEVELOPMENT OF PHILOSOPHICAL THOUGHT

Аннотация: Инсоният фалсафий фикри тараққиётида турли маданиятлар ўз ўрнига эга. Бу маданиятлар бир-бирини тўлдириб бориб, илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келган. Бу борада мусулмон мутафаккирларининг бебаҳо мероси инсоният тараққиётига хизмат қилиб келган. Мутафаккирлар ўз асарларида аввалги антик давр тафаккурини нафақат такомиллига етказдилар, балки уни ислом дини таълимоти тамойиллари билан боғладилар. Кейинчалик мазкур қарашлардан Европа фалсафий фикри баҳраманд бўлди. Жаҳон тамаддунига ўз ҳиссасини қўшган Ибн Сино, Ибн Рушд, Ғаззолий каби даҳоларнинг асарлари ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

Калит сўзлар: Натурфалсафа, детерменизм, Вожиб ал-вужуд, мумкин ал-вужуд, метафизика, Ақлул фаъл, Ақлул кул, “Ал-Мазмун биҳи аъла гойри аҳли”, эманация.

Аннотация: Различные культуры имеют место в развитии философской мысли человечества. Эти культуры дополняли друг друга и внесли достойный вклад в развитие науки. В этом отношении бесценное наследие мусульманских мыслителей послужило прогрессу человечества. В своих произведениях мыслители не только усовершенствовали мышление античности, но и связали его с принципами исламского учения. Позже европейская философская мысль извлекла пользу из этих взглядов. Работы гениев, таких как Ибн Сина, Ибн Рушд, аль-Газали, внесших вклад в мировую цивилизацию, до сих пор находятся в центре внимания исследователей.

Ключевые слова: Натурфилософия, детерминизм, Ваджиб аль-вуджуд, мумкин аль-вуджуд, метафизика, Ақлул фаол, Ақлул кул, «Аль-Мазмун биҳи а'ла гайри аҳли», эманация.

Annotation: Various cultures take place in the development of the philosophical thought of mankind. These cultures complemented each other and made a worthy contribution to the development of science. In this respect, the invaluable legacy of Muslim thinkers has served the progress of humanity. In their works, thinkers not only improved the thinking of antiquity, but also connected it with the principles of Islamic teaching. Later European philosophical thought benefited from these views. The works of geniuses such as Ibn Sina, Ibn Rushd, al-Ghazali, who contributed to world civilization, are still in the focus of researchers.

Keywords: Naturphilosophy, determinism, Wajib al-wujud, mumkin al-wujud, metaphysics, Aklul faol, Aklul kul, “Al-Mazmun bihi a'la ghairi ahli”, emanation.

КИРИШ

Марказий Осиё, Ғарбий Европада тафаккур тараққиёти даври “Уйғониш даври” ёки “Ренессанс” деб аталди. Ренессанс биринчи бўлиб Италияда амалга ошган бўлиб, уни турғунлик ва қолоқликдан қутулиш йўлидаги маданий-маънавий уйғониш даври деб атадилар. Бу атаманинг асосий белгиси бу, фикрлашдаги биқиқликдан воз кечиб, фикр эркинлигига эришиш ва инсонни улуғлаш эди. Ғарбий европадаги тафаккур ривожига аста-секин черков схоластикасида узоклашиб, инсон табиати, унинг ҳам моддий ва маънавий кўринишига эътиборни кучайтирди. Дарҳақиқат, Папа черкови инсон зотини доимо гуноҳкор, паст табиатли ва ҳаёти ҳеч нарсага арзимас эканлигини таъкидлаб келар, ижодкорларни, ҳурфикрликка интиланларни фақат жазолаш ёки қатл қилиб келар эди. Айнан Ренессанс туфайли Ғарбий Европа жамиятида инсон илоҳий зотлар каторида кўрилди. Маданият, санъат, архитектура, мусиқа ва бадий асарлар яратилдики, уларнинг марказида, яъни обектида инсон, унинг ҳаёти ва тақдири, илоҳийлиги ва гўзаллиги, тафаккурининг чексизлиги ўрин олган эди. Бу давр Европа тараққиётини бошлаб берди.

Лекин, Ренессанс фақат Европага тегишли деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Сабаби Ғарбий Европадаги уйғониш давридан анча аввал Мавороуннахр юртида илм-фан,

маданият, санъат анча ривожланган бўлиб, айнан IX-XII асрларда бу тараққиёт ўз чўккисига чиқди. Мазкур тараққиётда Ибн Сино фалсафий мероси салмоқлидир. Унинг ижоди нафақат Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига таъсир ўтказди, балки, Ғарбий Европа тафаккури ривожига ўз ўрнига эга бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ибн Синонинг фалсафий рисоалари латин тилига XII асрда таржима қилинган. Ибн Синонинг фалсафасига қизиқишни ошириши XIII асрда латин схоластикасининг ривожланиши билан боғлиқдир... Унинг фалсафаси ўзининг янгиафлотунчилик аспектлари билан эътиборни тортди. Ибн Сино ғоялари Ибн Божа ва Ибн Туфайл хизматлари туфайли Европа халқларининг фалсафий, ижтимоий ва маънавий қарашларига таъсир кўрсатди [1:10].

Ҳозирги замон Ғарб фалсафасида Ибн Сино ислом фалсафасидаги энг кўзга кўринган олим сифатида қаралади. Ибн Синонинг қарашлари ўрта аср Ғарб фалсафасидан тортиб Ренессанс даври тафаккурига катта таъсир кўрсатган. Хаттоки баъзи Ғарб ўрта аср файласуфлари ибн Сино номини Аристотелдан юқори қўйганлар. Ўрта асрларда Ибн Сино ҳеч қачон Ғарб учун бегона ҳисобланмаган.

Ибн Сино Ғарб халқларининг маданияти ва ўз-ўзини англаш жараёнидаги манба марказида турган деб ҳисоблаймиз. Бунга охириги 150 йилдаги Ғарб тадқиқотчиларининг Ибн Сино фалсафаси ва медицинасига оид изланишлари ёрқин далилдир [2:249].

Ибн Сино фалсафий таълимотининг намоён бўлиши олим яшаган даврдаги фалсафий баҳс-мунозаралар зиддиятли ва мураккаб ҳолдаги жараён кўринишида бўлиб, пировардида файласуфнинг фалсафий қарашлари, хусусан, натурфалсафий ғоялари ва, айниқса, детерминизм соҳасига оид қарашлари, муҳим ғоялари вужудга келди.

Файласуфнинг қарашларига кўра, борлик бир бутун кўринишда бўлиб, мураккаб тизимдан иборат. Шундан келиб чиқиб, Ибн Сино оламни ҳар бир қисмларини таҳлил қилишда детерминизм қонун-қоидаларини, унинг воқелик, сабабийлик, зарурият, имконият каби бўлакларини асос деб ҳисоблайди.

Мутафаккирнинг таълимотига кўра, оламдаги барча нарсаларнинг жавҳари-субстанцияси мавжуддир. Агар жавҳар детерменизм қонун-қоидалари асосида кўриб чиқилса, ҳамма мавжуд нарсалар икки қисмдан иборат бўлади – Вожиб ал-вужуд ва Мумкин ал-вужуд. Вужудларнинг ўзаро муносабати, биринчи навбатда, сабаб ва оқибат муносабатидан иборатдир. Мазкур тизимда борликдаги барча нарсалар эманация ҳолатида, яъни Вожиб ал-вужуддан таралаётган нур кўринишида зоҳир бўлади. Тартибга кўра, имконият кўринишига эга бўлган Жисм, Рух, Ақл ва улар билан боғлиқ равишда самовий сфералар пайдо бўлади, мавжудлик ҳолатига ўтади. Уларнинг барчаси субстанция-жавҳар ҳисобланади. Шунингдек, оламда мавжудликларнинг сифатлари: ҳажми, ҳиди ва ранглари каби акциденциялар ҳам мавжуддир.

Фалсафий муаммоларнинг ўзига хос хусусияти, унинг икки томонлама табиатга эғалигидадир. Бир томондан, ҳар бир тарихий вақт оралиғида улар мазкур даврнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда муайян – тарихий шаклга эга бўлади. Масалан, Ғарбий Европа ўрта аср маданиятида ҳукмронлик қилган дин ва диний институтлар илоҳиётга доир муаммоларга бўйсунадиган фалсафий муаммоларни белгилади. XVII-XVIII асрларда Европа фанида механиканинг биринчи ўринга чиқиши фалсафий муаммоларга механик нуқтаи назардан қарашни келтириб чиқариб, ўша давр фалсафасининг шунга мос тарзда шаклланишига сабаб бўлган эди. Ёки илк ислом фалсафасидаги (масалан, ирода эркинлиги ҳақидаги жабарийлар ва қадарийлар ўртасидаги) баҳс ҳақида гапириш мумкинки, бу халифалар ҳокимиятининг қўллаб-қувватлаш ёки унга қарама-қарши туриш каби сиёсий жараёнларга бориб тақалар эди [3:12].

Фалсафа тарихидан маълумки, мутафаккирларни доимо қизиқтирган асосий муаммолардан бири бу - энг асосий, бош фалсафий муаммо қайсидир. Баъзилари буни Худони англаш ва билиш десалар, яна баъзилари – одамни ўрганиш, бошқалари эса – мавжудликни ибтидосини билишда деб ҳисоблаганлар. Айнан фалсафа соҳасининг асосий муаммолари деганда нималар ўрганилади? Унда асосан, олам, инсон ва

олам билан инсон орасидаги муносабатлар ўрганилади. Барча фалсафий муаммолар айнан мана шу учта фалсафий масаладан биттасига дахлдор ҳисобланади.

Фалсафа ва ҳар бир файласуфнинг ижодида метод ва методология муаммоси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Фан тарихида ном қолдирган олим ва файласуфларнинг илмий меросини кўп жиҳатдан уларнинг қайси услубларга таянганига қараб баҳолаш ҳам мумкин.

Метод (юнон.Methods - усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методлар ўзининг қўлланилиши микёсига қараб уч гуруҳга ажралади.

Биринчи, ҳамма фанларда ва илмий билишнинг барча босқичларида қўлланиладиган универсал методлар. Бундай методлар ялпи умумий (фалсафий) методлар дейилади. Улар ўта умумий ва универсал хусусиятга эга бўлиб, фалсафий методлар ҳисобланади. Улар айна пайтда бошқа фанлар учун методология ролини ўтайди. Бундай методлар гуруҳига метафизика, диалектика, синергетика методларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ методлар илмий билишнинг у ёки бу босқичида, яъни ё эмпирик, ё назарий босқичида, ёки эмпирик босқичдан назарий босқичга ўтиш чегарасида қўлланилувчи умумий илмий методлар дейилади. Эмпирик босқичда қўлланувчи методларга кузатиш, эксперимент, тасвирлаш, ўлчаш методлари киради. Назарий босқичда қўлланувчи методларга формализация, аксиоматизация, гипотетик-дедуктив методлар киради. Эмпирик босқичдан назарий босқичга ўтиш чегарасида қўлланиладиган умумий илмий методларга анализ ва синтез, индукция ва дедукция, экстраполяция ва интерполяция, абстрактлаштириш, умумлаштириш, аналогия, классификация, моделлаштириш ва бошқалар киради.

Учинчи гуруҳ методлари эса айрим олинган фан ёки фан соҳасида қўлланилувчи хусусий илмий методлардир. Хусусий илмий методларга масалан, физикада спектрал анализ методини, грамматикада киёсий таҳлил, социологияда анкетали сўров, криминалистикадаги ашёвий анализ ва бошқа методларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин [4:10].

Бугунги кунда шарқ файласуфларининг бой илмий меросини ўрганиш долзарб аҳамият касб этиб, бу борада бир қанча амалий ишлар олиб борилмокда. Шарқ фалсафаси, хусусан, ислом фалсафасининг йирик намояндалари қарашларини фалсафий жиҳатдан ўрганиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш ўша даврдаги илмий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини, унинг муҳим хусусиятлари ва устивор йўналишлари ҳамда тараққиёт қонуниятларини чуқур англашга, шу билан биргаликда турли фалсафий, диний ва тасаввуфий оқимларнинг моҳиятини тўғри идрок қилишга олиб келади. Бу таълимотларнинг кейинги асрларда ва ҳозирги замондаги фалсафий тафаккур тараққиётига кўрсатган таъсирини ўрганишда назарий ва амалий ҳулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Шу маънода Шарқ фалсафаси, хусусан Андалусия фалсафаси тарихидаги энг буюк шахс, шубҳасиз атоқли андалус файласуфи Ибн Рушд (1126-1198) ҳисобланилади[5:61]. У энг сермахсул мутафаккирлардан бири бўлиб, эллика яқин йирик асарлар ёзган. Ибн Рушд асарларининг бир қатор арабча асл матнлари бизгача етиб келмаган. Улар фақат қадимги яҳудий ва лотин тилига қилинган таржималари орқалигина маълумдир.

Ибн Рушд қадимги юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей, Порфирийларнинг ва ўзидан олдин ўтган ислом мутафаккирларининг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари (“Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика”)ни батафсил изоҳлаб, тушунтириб берган, камчиликларини кўрсатган, айна вақтда уларнинг умумий мазмунини очиқ берувчи махсус асарлар битган. Ибн Рушд шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда, уларни Аристотель ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди [6:11]. Ибн Рушднинг шарҳ ёзиш фаолияти Шарқнигина эмас, ўрта аср Европасини ҳам Юнонистон билан таништиришда катта аҳамият касб этди. Шу маънода Ибн Рушд ижодини ўрганиш айниқса, унинг фалсафий қарашларига оид таълимотини таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Ибн Рушд Аристотель таълимотини илк даврдаги соф ҳолатига қайтарди. Маълумки,

Аристотель карашларини Искандария шарҳчилари сезиларли даражада бузиб, унга Платонча унсурларни қўшган эдилар. Ибн Рушднинг ишончи комил эдики, тўғри тушунилган Аристотель таълимоти, инсон эришиши мумкин бўлган олий билимга қарама-қарши турмайди. Унинг фикрича, Аристотель сиймосида инсоний ақл ўзининг энг юқори ифодасини топганки, шунинг учун уни илоҳий файласуф деб аташ маъқул бўлади. Унинг замондошлари фикрича, “Аристотель табиатни тушунтирди, Аверроэс эса – Аристотелни” [7:70].

Ибн Рушднинг фикрича, фалсафа билан дин чамбарчас боғлиқ. “Фалсафа диннинг эмикдош синглизидир”, - дейди Ибн Рушд [8:17]. Улар табиатан йўлдош. Фалсафа ҳам, дин ҳам энг аввало бутун борлиқ ва оламнинг олий сабабчиси бўлмиш Худо ҳақида тафаккур қилади. Лекин улар тафаккур қилиш услуби жиҳатидан фарқ қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ибн Рушд ўзининг фалсафий карашларида билиш масаласига катта эътибор қаратди. У билиш назарияси асосига унинг бутун тарихи мобайнида фалсафани ҳаяжонлантириб келган энг муҳим масалалардан бири – дунёни билиш мумкинлиги масаласини қўяди. Инсонни билиш қобилияти, – деб таъкидлайди мутафаккир, табиатга нисбатан чексиздир. Табиатни билишдан мақсад – табиатнинг бирлигига унинг хилма-хиллигида эришиш ва моддий дунё ҳодисаларига асос бўлган энг чуқур негизларни билишдан иборат [9:16].

Ибн Рушд борлиқ ва фикрлашнинг, табиат ва инсон онгининг нисбати масаласини анча аниқ, моддий руҳда ҳал этган. Унинг билиш назарияси асосан ақлнинг реал воқеликни айнан билиш қобилиятини инкор этган Ғаззолий агностицизмга қарши йўналтирилган. Ибн Рушд инсон билишнинг чексиз имкониятларига эга деб уқтирган. Ақл-фаол куч, оламни билиш дастаги. Ақлнинг вазифаси мавжуд нарсаларни уларнинг сабаблари билан биргаликда англаб етишдан иборат ва айни шу нарса уни барча бошқа эгалланадиган қобилиятлардан фарқлайди, чунки сабабни инкор этувчи ақлни ҳам инкор этиш керак [10:34].

Умуман, Ибн Рушд билишни рационалистик руҳда талқин этади. Тадқиқотчи Э.Жильсон

ҳозирги замонавий рационализмнинг илдизларини Италияда бошланган уйғониш давридаги илмий кашфиётлар билан эмас, балки ҳақиқий фалсафий рационализм Испанияда туғилган араб файласуфи Ибн Рушднинг номи билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтади [11:9]. Файласуф ўзининг издошларига ҳақиқий рационал фалсафани қолдирдики, бу кейинчалик ўрта асрлар Ғарб фалсафасининг тараққиётига, хусусан христиан фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига улкан таъсир кўрсатди.

Ғарбий Европа схоластлари орасида Ибн Рушднинг энг кенг тарқалган таълимоти “икки ҳақиқат назарияси” бўлди. Ибн Рушд томонидан ифода этилган икки ҳақиқат назарияси қиймати тенг бўлган икки диний ва фалсафий ҳақиқатнинг мавжудлигига йўл қўяди. Шунингдек олим ва мутафаккирлар ҳимоя қилишга ҳаракат қилган фаннинг нисбатан мустақиллигини асослаб беради. Унингча, фалсафий ҳақиқат Аристотел асарларида мавжуд, диний ҳақиқат эса оддий инсон тушунчаларига мослаштирилган.

Аввалги файласуфлар Кинди, Форобий, Ибн Сино каби халифа ва вазирлар билан боғланган. Шу йўл билан ўзларининг фикрларини ривожлантиришган ва ёйишган. Имом Ғаззолий ҳаётида ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин. Чунки у ҳам Низомулмулк Фахрул Малик билан боғланган ва Салжукийлар оиласи соясида яшаган. Гўё фалсафа ҳар доим давлат кучи билан ҳимояланишга муҳтож бўладигандек. Мана масалан, Аристотель, биринчи муаллим, Филипп Макдуний ва унинг ўғли Искандар паноҳида яшаган. Замонавий асарларда эса, Волтер Фридрих Буюк саройида яшаган. Германиялик Гёте бургомистер Файмер қасрида умр ўтказган [12:73].

Ғаззолийнинг асарлари ичида “Ал-Мазмун биҳи аъла ғойри аҳли” китоби бўлиб баъзи француз ёзувчилар уни Жан Жак Руссонинг эътирофи каби Имом Ғаззолийнинг ҳам эътирофи деб айтишади. Лекин бу икки китоб ўртасида фарқ бор. Руссо ўз ҳаётидаги барча соҳаларни қамраб олувчи ишлар ҳақида ёзган. Имом Ғаззолий эса фақат ақлий, қалбий масалаларни билан чекланган. У дўстига ёзган рисоладир. Унинг ўзи буни шундай васф қилади. Бир биродари деб биродари

тамонидан берилган саволга жавоб қилиб ёзган. Китоб муқовасида шундай дейди: "...мендан эй биродар сиз сўрадикки барча фанларнинг асл ғояси ва сирларини билишни мен сизга айтаманки барча маслак ва йўллар фиркалар орасидан ҳаққни излаб топганимни сизга айтаман. Кўр-кўрона эргашишдан кўра, ўзи ўрганиш даражасига чиқиш, фақат имомга эргашиш билан чегараланиб қолувчилар таълим йўллари, фалсафа йўллари ва ўзим танлаган фалсафа, сўнг ўзим изланиб топган одамларни ҳақ сўзлари ва Бағдодда кўп талабаларимни ташлаб нега Нишопурга қайтишим сабабини ҳам айтман." Бундан маълумки, у ҳақни топаман деб кўп ўрганган. Шундан сўнг фалсафани қоралаб тасаввуфга ўтиб кетган. Мана шуни Имом Ғаззолий ўзини ақлий ҳаётидаги калит бўлган [12:76].

Бу файласуфнинг яна ғаройиб жиҳатларидан бири у инглиз олими Девид Ҳюмдан 6-7 аср аввал яшаса ҳам, ҳиссий фалсафа йўлини тутган. Маълумки, Девид Ҳюм гарманиялик И.Кантнинг фикрлари ривожига катта ўрин тутган. Кантнинг ўзи Девид уни ғафлатдан уйғотганини эътироф этган. Агар биз Имом Ғаззолийни олдин яшаб, улардан аввал ҳам ҳиссий фалсафани билганлигини билсак, бу билан биз имомнинг ақлини, унинг европанинг машҳур файласуфларинининг даражасидан қанчалик юқорилигини билишимиз мумкин [12:77].

Ғаззолий фалсафа илмларини ўрганиб бўлгандан кейин у фалсафа ичидан ўзига керакларини олиб сохталарини аниқлаб олгач, у шуни сездики, фалсафа илми ҳақиқий мақсадга эришиш учун тўлиқ кифоя қилмас экан. У таълим йўналиши ва унинг ғоясини ўрганишга киришди. Аммо, у бу ғояга киришдан аввалроқ ҳам Кант келган хулосага келиб бўлган эди. Кантнинг ғояси шундай эдики - ақл барча нарсаларни мустақил равишда тўла қамраб ололмайди ва ўрганиб чиқа олмайди. Имом Ғаззолийнинг бу ақидаси ақлнинг ривожланишдаги иккинчи босқич ҳисобланади. Биринчи босқич-тақлид қилиш эди. Иккинчи босқичда у аввалги файласуфларнинг қарашларини ўрганиб чиқди. Таълимия дастурини ҳам дарс сифатида ўргана бошлади. Замонасининг олимлари ҳатто Имом Ғаззолий бу масалани ўрганишда муволаффа қилиб юборди, деб танқид қилдилар. Имом

Ғаззолийнинг бу ҳаракати таълимия йўналиши учун фойдали бўлди деб ҳисобланган [12:78].

Имом Ханбал ҳам Хорис Муҳосибийнинг мўътазилийларга ёзган раддиясини шундай инкор қилган эди. Шунда Хорис Имом Аҳмадга "Бидъатга раддия бериш фарз" – деб жавоб берган. Шунда Имом Ханбал унга жавобида "Ҳа фарз, сен аввал уларни даъволарини ҳикоя қилиб келтириб сўнг раддия билдирдинг, лекин, сен билмайсанки, кимдир аввал уларнинг ғояларини ўқиб ўзига олиб сўнг сени раддиянгни ўқимаса ёки тушунмаса, бу уни улар тарафга оғиб кетишига сабаб бўладику". Имом Ханбалнинг гаплари тўғри. Лекин бу ҳали одамлар орасида тарқалмаган шубҳаларга нисбатан бўлади. Аммо одамлар орасида кенг тарқалиб бўлган шубҳаларга эса уларни моҳиятини очиб берган ҳолда раддия беришлик вожиб бўлади. Биз ҳам ўзимизнинг "Аш-шубҳатир рофиз" деган китобимизни ҳам жоҳилият шерларига раддия сифатида ёзганмиз [12:78].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, VIII–XII асрларда мусулмон дунёсида ижтимоий-фалсафий фикрлар ўз тараққиётининг гуллаб-яшнаган даврини кечирди. Бу жараёнга Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний таълимотлар ҳам катта таъсир кўрсатди. Шуниси эътиборлики, Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар бир-бири билан боғланган яхлит жараён сифатида ривожланди ва у фалсафа тарихида "араб-мусулмон фалсафаси" деб номланган таълимотни ҳосил қилишга олиб келди.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Ғарб учун Шарқ оламига қизиқиш шу даражада кучли бўлдики, баъзи тадқиқотчилар айнан шу даврни "Шарқ ренессанси" яъни, Шарқ классик адабиёти ва илм-фанининг Ғарбдаги ренессанс даври маъносида қўлланилади [13:22]. XIII асрга келиб, Ғарбий Европа мамлакатлари маънавий ҳаётида перипатетизм таъсири янада ортди. Аристотель таълимотининг Европада тарқалишида Ўрта Осиёлик, арабистонлик, испаниялик олимлар, шунингдек, Шарқ перипатетикларининг роли катта бўлди. Бу ҳақда Гегель ўзининг "Фалсафа тарихи" асрида шундай ёзади: "Арабларнинг Аристотель

фалсафаси билан танишликлари шу билан аҳамиятлики, шу йўл орқали Ғарб ҳам бу файласуф билан биринчи бўлиб танишишга эришишди” [14:340]. Дастлаб, европалар Аристотель таълимотини Форобий, Ибн Сино, Ал-Киндий шарҳлари орқали ўрганишган, кейинчалик Аристотельнинг “Аналитика”, “Топика”, “Сиёсат” каби асарлари Европа тилларига таржима қилинди. Кенг тарқалиб борётган аристотелизм черков ақидаларига қарама-қарши эди. Бундай шароитда Европада черков 1209 йил Аристотель асарларини ўрганишни тақиқлади. Унинг билан чекланибгина қолмай, уларни диний ақидаларга мослаштириб талқин этиш ва улардан динни назарий асослашда фойдаланишга ҳаракат қилишган. Бу ишда Фома Аквинскийнинг хизмати катта бўлди. Унинг шарҳларида Аристотель фалсафаси “зарарсизлантирилди” ва католицизмнинг фалсафий асоси деб эълон қилинди.

Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган қарвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтаришди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Султонов С. Ибн Сина в философской традиции Франции. Автореферат диссертации. Душанбе 2012.
2. Султонзода С. Проблемы материи и её атрибутов в философии Ибн Сины. Диссертация...д. филос.наук.Душанбе-2020.
3. Аҳмедова М.А. Умумий муҳаррирлиги остида “Фалсафа”,Тошкент, 2005 й.
4. Тўраев Б. Ҳозирги замон табиатшунослиги концепциялари. Тафаккур. Тошкент. 2009 й.
5. Сагадеев А.В. Ибн Рушд. – М.:Наука. 1973.
6. Ибн Рушд. Тахофут ат-тахофут / Доктор Сулаймон Дунё таҳрири остида. –Қоҳира: Дарул маъориф, 1964.

7. Э. Ренан. Собрание сочинений. –Киев, 1960. Т.8.
8. Ал-фалсафат ал-исламия ва бина ал-инсан ал-маъасир. –Қоҳира, 1997.
9. Ибн Рушд. Тахофут ат-тахофут / Доктор Сулаймон Дунё таҳрири остида. –Қоҳира: Дарул маъориф, 1964.
10. Мусинов Ф.У. Илк ўрта аср мусулмон фалсафининг «ақл» ҳақидаги таълимотлари тарихидан. Фал. фан. ном. ... ёз. дисс. –Т., 1999.
11. Этьен Жильсон. Разум и откровение в средние века / Перевод и комментарии: Панасев А.Н. –Киев, 1992.
12. Мухаммад Лутфий Жумъа. Тарих фалосифати-л-ислам. – Қоҳира: Аъламу-л-кутуб, 1999.
13. Султанова Н.Т. Освоение Восточных мотивов и традиций в западной эстетической культуре в нач.ХІХ-ХХ вв. автореф.канд.дисс. Баку,1995.
14. Сулаймонова Ф. «Шарқ ва Ғарб». – Т., 2001.
15. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. Тарж.: Н.Қодирзода.- Т.: “Минҳож” нашр., 2003.